

Лойиҳа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСИГА
ТИНГЛОВЧИЛИККА НОМЗОДЛАР УЧУН
ТЕСТ СИНОВЛАРИ ДАСТУРИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Академиянинг бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсига ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тингловчиларни қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Кенгашининг 2017 йил ____ _____ ____-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

- И.И. Махмудов – Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси доценти, пс.ф.н.
- Қ.С. Раҳманов – Давлат бошқаруви академияси “Ахборот-коммуникация технологиялари ва “электрон ҳукумат” тизими асослари” кафедраси мудири, т.ф.н.
- М.Т. Бақоев – Давлат бошқаруви академияси “Ахборот-коммуникация технологиялари ва “электрон ҳукумат” тизими асослари” кафедраси доценти, ф-м.ф.н., доцент

Такризчилар:

- Б.Р. Эшчанов – Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университети профессори, PhD
- Л.З. Султанова – М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали доценти, пс.ф.н.
- Э.З. Усмонова – М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали доценти, пс.ф.н.

КИРИШ

Шарқ халқлари тарихидан маълумки, бирор масъулиятли лавозимга раҳбар тайинлашда турли синовлар қўлланилган. Бундай синовларда шахснинг мантиқий ва ижодий фикрлаши, шунингдек ўз-ўзини бошқара олиши, лидерлик хислатлари ва бошқарув фаолиятини самарали таъминлай олиши муҳим мезон ҳисобланган. Шахснинг мантиқий, тизимли, таҳлилий ва кенгроқ ижодий фикрлай олиши етакчилик сифатларини ҳамда ўзлаштирган билимларини амалиётда қўллай олиш имкониятларини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсларига тингловчиларни саралашда номзоднинг мантиқий, тизимли, таҳлилий ва ижодий фикрлаш қобилиятлари ҳамда лидерлик хислатларини аниқлашда тест синовлари муҳим аҳамиятга эга.

Номзоднинг мантиқий, тизимли, таҳлилий ва ижодий фикрлаш қобилиятлари ҳамда лидерлик хислатларини аниқлаш бўйича тест синовлари шахснинг фикрлаши, муаммога тизимли ёндашуви, бошқарув қарорлари қабул қилишда тезкорликни аниқлаш ва лидерлик хислатларига баҳо беришда ўзига хос афзалликларга эга. Мазкур турдаги тестларнинг афзалликларини фарқлашда тестлардан кутилаётган натижаларнинг мазмуни ва моҳиятини ҳисобга олиш муҳим. Ушбу тест синовларининг яна бир афзаллиги шундан иборатки, ушбу тест имтиҳон қабул қилувчига бўлажак раҳбар кадрнинг кучли ва кучсиз жиҳатлари ҳамда интеллектуал салоҳиятини аниқлаган ҳолда келгусида ўқитиш йўналишларини белгилаб олиш имконини беради. Шунингдек, бўлажак раҳбар кадрнинг мантиқий фикрлаш даражасини баҳолаш орқали келгусида уни мукамал раҳбар кадр қилиб тайёрлаш йўналишларини аниқлаш имкониятини беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мантиқий тушуниш

Мантиқий тушуниш шахсинг юз бераётган ходиса ёки ҳолатларни мантиқан англаши ҳамда уни мустақил фикрлаш орқали хаёлида мантиқан давом эттира олиш қобилиятини намоиш этиш учун зарур ҳисобланади.

Интеллектуал салоҳият ва таҳлилий фикрлаш

Интеллектуал салоҳиятни аниқлаш ва таҳлилий фикрлаш бўйича тест саволлари турли мантиқий боғлиқликда бўлган ходиса ёки ҳолатларни (рақамлар, фигуралар) жойлаштириш комбинацияларидан фойдаланган ҳолда ҳамда вазиятли таҳлил асосида натижаларни баҳолаш орқали (кўрсаткичлар таҳлили, ҳуқуқий, иқтисодий ёки бошқа терминларнинг мазмунидан келиб чиқиб) шахсинг умумий ақлий ривожланиш даражаси ва таҳлилий фикрлаш қобилиятига баҳо беришга хизмат қилади.

Аниқ ва тез қарорлар қабул қилиш

Шахсинг зудлик билан аниқ қарорлар қабул қилиш қобилиятига баҳо бериш мақсадида ишлаб чиқилган муаммоли вазиятлар бўйича жавоб вариантлари комбинацияси таклиф этилади. Бунда энг тўғри жавоб вариантини топиш орқали аниқ ва тез қарорлар қабул қилиш қобилиятини аниқлаш имконияти яратилади.

Турли вазиятларга ижодий ёндашув

Шахсинг ижодий фикрлаш қобилиятига баҳо бериш мақсадида турли хилдаги вазиятли ҳолат ва ечимлар таклиф этилади. Бунда энг

мақбул ечимни топиш орқали турли вазиятларда шахснинг ижодий ёндашиш қобилиятини аниқлаш имконияти яратилади.

Раҳбарда лидерлик хислатлари

Шахсда лидерлик хислатларининг шаклланганлиги ва унинг намоён бўлиши. Лидерлик қирраларининг шахс фаолиятида акс этиши. Лидерликнинг жамоада намоён бўлиши ва у шахслараро муносабатлар тизими асоси эканлиги. Лидерликнинг тан олинадиган ва тан олинмайдиган томонлари ҳамда уларнинг ўзига хослиги.

Раҳбарда тизимли тафаккур

Тизимли тафаккурнинг ўзига хос қирраларининг фаолият жараёнида намоён бўлиши. Шахс томонидан турли хил вазиятли масалаларда анализ ва синтез қилиш қобилиятининг бошқарув жараёнидаги фаолиятида билвосита ҳамда бевосита фойдалана олиши (вазиятлар таҳлили). Раҳбар фаолиятида тизимли тафаккур маҳсулининг акс этиши. Раҳбарнинг қарорлар қабул қилишида тизимли тафаккурининг намоён бўлиш қонуниятлари.

Тизимли тафаккур ва тафаккур турларининг узвий боғлиқлиги. Тафаккур жараёнининг бошқа руҳий жараёнлар билан боғлиқлиги.

Ўзгаришларга мослашувчанлик

Шахснинг турли вазиятларга мослашувчанлиги ўзига хос хусусият сифатида. Кутилмаган вазиятларда раҳбарнинг аниқ хатти-ҳаракати. Шахснинг стресс ҳолатларида ўзини йўқотмаслик ва ўзини бошқара олиш хусусиятининг шаклланганлиги.

Кутилмаган вазиятларда раҳбарнинг қарорлар қабул қилишининг ўзига хослиги. Жамоада юзага келувчи кутилмаган

жараёнларнинг раҳбар томонидан идрок этилиши ва ушбу ҳолатнинг фаолиятда акс этиши.

Бошқарувда раҳбар янги жамоага мослашувининг акс этиши. Жамоани янги шароитга мослаштиришда раҳбарнинг жамоани ишонтириш ва фаолликка ундаш малакалари тавсифи.

Тест синовини ўтказиш тартиби

Тест синовлари компьютер хоналарида ўтказилади ва тест синовлари учун 90 минут вақт ажратилади.

Тест жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- Ҳар бир тингловчиликка номзодга estudy.dba.uz - масофавий таълим порталидан логин ва пароль очилади.
- Тингловчиликка номзодларга estudy.dba.uz дан фойдаланиш бўйича маслаҳат берилади.
- Тингловчиликка номзодлар гуруҳларга ажратилган ҳолда компьютер хоналарига тақсимланади.
- Тингловчиликка номзодлар бир вақтнинг ўзида тегишли компетентликлар бўйича тестдан ўтадилар. Натижалар 100 баллик тизимда баҳоланади.
- Тингловчиликка номзодларнинг тест натижалари 100 баллик баҳолаш тизимидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг имзолари билан тасдиқланган ҳолда қайдномага ёзиб олинади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантириш бўйича келгуси чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
2. Айзенк Г. Новые IQ тесты. Перевод К.Савельева. – М.: Эксмо, 2003. – 192с.
3. Анастаси А., Урбина С. Психологическое тестирование / Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2001.
4. Bahromov F., Burxonov S., Xudoyorov Q. Ming bir boshqotirma. – Т.: Sharq, 2016. – 224 б.
5. Вартегг Э. Уровневая диагностика. Пер. с нем. – М.: Смысл. 2004.
6. Гусев Д.А. Логика. Учебное пособие. – М.: Прометей, 2015.
7. Кулагин Б.В. Основы профессиональной психодиагностики. - Л.: Медицина, 2014.
8. Лучшие психологические тесты для профотбора и профориентации / Отв. ред. А. Ф.Кудряшов. Петрозаводск, Изд-во «Петроком», 1992.
9. Махмудов И.И., Қорабоев Ж.Ф. Раҳбар шахс-Психодиагностик эксперт тизими. –Т.: Академия, 2013.
10. Методы психологической диагностики. – М.: Институт психологии РАН, 2004.
11. Perelman Y. I. Qiziqarli matematika. A.T. Xo’jaxonov tarjiması. – Т.: Sharq, 2014. – 176 б.
12. Практикум по психодиагностике. Прикладная психодиагностика. – М.: Изд-во Моск. Ун-та, 2012.
13. Практикум по психодиагностике. Психодиагностика мотивации и саморегуляции. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1999.
14. Романова Е.С., Потемкина О.Ф. Графические методы в психологической диагностике. – М.: Дидакт, 2012.
15. Саттаров Э.Н. Омадга эришиш психологияси. – Т.: 2014.
16. Саттаров Э.Н., Алимов Х.М. Бошқарув мулоқоти. – Т.: Академия, 2004.
17. Соколова Е.Т. Проективные методы исследования личности. – М.: Изд-во Моск. Ун-та, 2010.

18. Тўраев Б. Логика бўйича масала ва машқлар. – Т.: Тафаккур, 2008. – 46 б.
19. Шмелев А.Г. Психодиагностика личностных черт. – СПб.: Речь, 2002.
20. Қорабоев Ж.Ф., Махмудов И.И. Психодиагностик эксперт тизими. –Т.:Академия, 2014.
21. Graduate Management Admission Test (GMAT) // Bull. of Inform. and Registration Form. Princeton, 1993-1994.

Электрон таълим ресурслари

22. <http://www.ziyonet.uz>
23. <http://www.laviedesidees.fr/Histoire-et-mondialisation>
24. <http://maintest.ru/tests>
25. <http://onlinetestpad.com/ru>
26. <https://4brain.ru/logika>
27. <http://testoteka.narod.ru>